



МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ВИЗУАЛ ЁНДАШУВ

Ёкубова Севинчой

Тошкент амалий фанлар университети катта ўқитувчиси, филология

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

E-pochta: sevinchoy.yakubova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14912916>

РЕЗЮМЕ: Ушбу мақолада бугунги кунда адабиёт ўқитиш методикасида янги тушунча бўлган визуал ёндашув масаласи ўрганилган. Унда бадий асарга визуал ёндошувнинг аҳамияти таҳлил этилган. Мақола муаллифи визуал ёндашувнинг муҳимлигини айрим шеърлар таҳлили мисолида кузатади ва илгари сурилган фикрларини мухтасар ҳолда умумлаштиради.

РЕЗЮМЕ: В этой статье исследуется проблема визуального подхода, который сейчас является новым понятием в методике преподавания литературы. Анализируется важность визуального подхода к художественному произведению. Автор статьи отмечает важность визуального подхода, анализируя некоторые стихи и обобщая их идеи.

SUMMARY: This article explores the issue of visual approach, which is now a new concept in the methodology of teaching literature. It analyzes the importance of a visual approach to a work of fiction. The author of the article observes the importance of the visual approach by analyzing some of the poems and summarizes their ideas.

Калит сўзлар: Визуал ёндашув, методика, бадий таҳлил, бадий ўқиш, адабий кўникма, шеърий асар, адабий жанр, ўзига хослик.

Ключевые слова: визуальный подход, методология, художественный анализ, художественное чтение, литературные навыки, поэзия, литературный жанр, оригинальность.

Keywords: Visual approach, methodology, artistic analysis, artistic reading, literary skills, poetry, literary genre, originality.

Истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётнинг кўпгина жабҳалари қатори адабиёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар ва янгича изланишлар учун кенг имкониятлар очилди. Бу янгиланишлар истиқлол даври шеъриятида ҳам кузатилади. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев айтганидек: “Истиқлол шеърияти мафкура тазйиқидан қутулиб, тубдан янгиланган миллий онгнинг, бутунлай ўзгарган бадий тафаккурнинг ҳосиласи сифатида дунёга келди. У дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш имкониятига эга бўлган миллат ижодий даҳосининг самараси ўлароқ туғилди” (3. 85). Дарҳақиқат, янгича йўналишда яратилаётган шеъриятни ўрганиш, уни ўқитишга ҳам ўзига хос тамойиллар асосида ёндашув зарурдир.

Бугунги кунда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “*Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз*”. (1. 3). Президентимизнинг ушбу фикрлари бевосита адабий таълимга ҳам тааллуқлидир. Ижодкорларимиз асарларини замонавий таълим усуллари асосида ўргатиш орқали ёш авлодни замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон сифатида камол топишларига эришишимиз лозим. Бугунги кунда шеърий асарларни ўқитишда ўқувчиларнинг визуал фикрлашини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Визуал усуллар машғулотлар самарадорлигини оширади, асарни ўрганишга қизиқишни уйғотади ва ўқувчи фикрлаш қобилиятини оширади. Ўқувчи билимининг мазмунлилиги, равшанлиги ва мустақамлиги визуал воситаларни моҳирона ва ўз вақтида ишлатишига ҳам боғлиқдир. Визуал воситалардан фойдаланиш мақсадга тез ва осон эришишга ёрдам беради.

Визуал, визуаллаштириш сўзи латин тилидаги *visualis* сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида кўргазмали деган маънони билдиради. Луғатларда бу сўз турли хил маъноларда келади.

Визуал — (лотин тилидан. *visualis vizual*) - кўз билан кўрилган, хотира ва тасаввурлар (7. 219) дир. “Большой энциклопедический словарь”да эса, визуал сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, (*visualis*) кўринадиган, кўз ёки оптик қурилма ёрдамида ишлаб чиқарилган визуал кузатишлар (2. 204) деган маънони билдиради.


Бу сўзнинг луғавий мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, таълим жараёнида ўқувчига тушунтириш учун қулайлик туғдирадиган кўргазмали қурооллар, тарқатмалар, ахборат техника воситалари, видео ва аудио воситалар визуал материалларни ташкил этади. Адабиёт ўқитишда қўлланиладиган визуал материалларни шартли равишда қуйидаги шаклларда тавсия этишимиз мумкин: а) Доска ёки плакатлар; б) слайд намойиш қилиш; в) тарқатма материаллар.

Кичкина бир тадқиқот доирасида истиқлол йилларида яратилган шоирлар асарларини визуал ёндашув асосида ўрганиш ҳақида тўла маълумот бериш имконига эга эмасмиз. Шунинг эътиборига олган ҳолда биз ушбу изланишларимизда М.Юсуф ижоди мисолида истиқлол даври шеърятини визуал ёндашув асосида ўрганиш бўйича айрим кузатишларимизни ифодалашга ҳаракат қилдик.

Умумтаълим мактабларининг 8-синфи дастурида кўпгина ўзбек шоирлари қатори Муҳаммад Юсуфнинг «Ватаним», «Меҳр қолур», «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор..», «Биз бахтли бўламиз» шеърларини ўрганишга 2 соат ажратилган (6. 82). Унда шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилди. М.Юсуф шеърларида инсондаги яширин туйғуларнинг самимий тасвирланиши таҳлилга тортилади. Дарсда М.Юсуф шеърларининг жозибдорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаб турган самимийлик, мусиқийлик ва тасвир ўйноқчилиги ҳақида визуал ёндашув асосида фикр юритилади.

Дарс Муҳаммад Юсуфнинг “Ватаним” шеъри асосида хонанда Севара Назархон томонидан ижро этилган кўшиқ билан бошланади. Кўшиқнинг маълум бир қисми ўқувчиларга эшиттирилиб, улардан шеър муаллифи, унинг мазмуни ҳақида нималар билиши сўралади. Шундан кейин бугунги мавзу Муҳаммад Юсуф шеърларини ўрганишга бағишлангани айтилади ва ўқувчилардан шоир ҳаётига оид қандай маълумотларни билишлари сўраб ўтилади. Доскага М.Юсуф портрети илиб қўйилади. Расмда акс этган шоир сиймосига таърифлар берилди. Шу орқали ўқувчилар фикрлашга, шоир шахси ва асарларини чуқурроқ англашга йўналтирилади.

Ушбу дарсга ўқитувчи томонидан олдиндан слайдлар тайёрланган бўлиб, шу асосда машғулот олиб борилади. Ўқитувчи томонидан визуал воситалар ўрни билан тақдим этилиб, ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга йўналтириб борилади.



Ўқитувчи томонидан тақдим этилган ушбу визуал материаллар ўқувчи диққатини тез ва осон жамлашига ёрдам беради.



Кейинги йилларда адабиёт ўқитиш методикасида бадиий асарни тушуниш, идрок этиш ва мақсадли ҳолда асарни таҳлил этиш учун асарни ўқишдан олдин, ўқиш жараёнида, асарни ўқишдан кейин ўқувчига муайян савол ва топшириқлар бериш муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилмоқда (5.43). Шу асосда ўқувчи ижодкор ифодалаётган ғояни чуқурроқ англаши ва мустақил муносабатини ифода этиши мумкин. Фикримиз тасдиғини М.Юсуфнинг "Юртим, адо бўлмас армонларинг бор" шеъри мисолида кузатишимиз мумкин. Экранда шеър матни кўрсатилиб борилади ва ўқувчиларга савол ва топшириқлар тақдим этилади.

Асарни ўқишдан олдин бериладиган намунавий савол ва топшириқлар:

1. Юрт деганда нимани тушунаси. Сиз уни қандай тасаввур қиласиз?
2. Она юрт мадҳига бағишланган қандай шеърларни биласиз? Сиз улардан ёд олганмисиз?
3. Сиз юртимиз ўтмишига оид нималарни биласиз? XX аср бошларида халқимизнинг асл фарзандлари бошига тушган фожиаларни қандай англайсиз?
4. Агар сизга она юртингиз таърифини расмда акс эттириш топширилса уни қандай чизасиз? Мусаввир сифатида юртимизнинг қайси жиҳатларни тасвир этасиз?

Шеърни ўқиш давомида бериладиган намунавий савол ва топшириқлар:

Айтингчи, сизга "Юртим, адо бўлмас армонларинг бор" деган ифода нималарни англади? Сизнингча, армон ўзи нима? Юртни адо бўлмас армони нима эканлигини айтишга ҳаракат қилиб кўринг.

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бандадаги кайфият сизга ҳам юқдими? Юрт ўтмиши учун жони оғрийётган шоир лирик қаҳрамони руҳиятидаги қандай кечинмаларни туйгандай бўлдингиз? Шоир эсга олаётган "шаҳид ўғлонлар" ким?

Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини,
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Нима учун шоир "Олисларда қолган Усмонлар" ҳақида сўз юритмоқда "Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини" мисраси нимани англади? Шоирнинг қалби нимадан изтироб чекмоқда?

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Нима учун шоир "алҳазар" сўзини такрор қўллапти? Шоир назарда тутган "меҳробдан чиққан чаёнлар" кимлар?

Шеърни ўқишдан кейин бериладиган намунавий савол ва топшириқлар

1. "Юртим, адо боимас армонларинг бор" шеърида нима сабабдан шоир "Айбин билмай кетган Акмал Икромлар", дейди? Ҳамма ҳам шоирнинг бу сўзларини айта оладими?
2. Шоир нима учун "Файзуллодек марди майдонлар" қисматини "бахор айёмлар" ва "ой ботган ёқларга термилиб шомлар" ўйлайди? Бунда "бахор айёми" билан "ой ботган шорн" қандай ҳолат ва кайфиятнинг ифодаси?
3. Юртнинг "юлдузни йиғлатган дostonлари"дан хабардормисиз? Бу ерда гап фақат ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари устида кетяптими ёки бошқа мазмун ҳам борми?
4. Нега Чўлпоннинг кўзлари "жайрондек термилган"? Шоир ижодида шу мисрани эслатувчи бошқа шеър ҳам борлигини биласизми?
5. "Қурбонинг бўлайин, эй онажоним", деганда шоир кимга мурожаат қиляпти? Шу мурожаат шеърдаги маънога қандай қўшимча маънолар юклаганини ўйланг.

Умуман, истиқлол даври шеъриятини визуал ёндашув асосида ўрганиш ўқувчини фикрлашга ундаши билан бир қаторда уни шоир туйғу-кечинмаларини англашни осонлаштиради. Шунингдек,



шеърӣ асарларни визуал материаллар асосида таҳлил этиш ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ёрқин намоён этишига ёрдам беради.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт таракқиёти ва фаровонлигининг гарови "Халқ сўзи" // 2016 йил 8 декабрь
2. Большой энциклопедический словарь. Москва, 1993. 219 б.
3. Ёўлдошев Қ. Ёник сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
4. Олимов С. , Аҳмедов С., Қўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. К.2. – Т. : Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014.
5. Тил ва адабиёт таълими // 2018. - № 6. – Б. 42-45
6. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили, адабиёт, Ўзбек тили. (5-9 синфлар) – Т., 2010
7. Философский энциклопедический словарь. – Москва, 2010. – Ст. 204